

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgz, uzss@yandex.ru • 2022 йил 24 ноябрь • №45-46 (1429)

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК:ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТИББИЁТИ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

2022 йилнинг 14-19 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Инояттов бошчилигидаги делегация аъзолари Туркия давлатининг Истанбул, Анқара ва Бурса шаҳарларида хизмат сафарига бўлиб қайтишди.

Маъмур ташрифдан кўзланган асосий мақсад – Туркия давлати билан икки томонлама ҳамкорликда тиббий таълим ва юртимиз тиббиётини янада янги халқаро босқичга кўтариш, шунингдек, ташрифнинг яна бир муҳим жиҳати юртимизда замонавий тиббиёт кластерларини барпо этиш, тиббий таълим, қўшма таълим, шифокор ва ҳамшираларимизнинг янги авлодини яратиш, шу билан бирга пойтахтимизда Туркия давлатининг тиббиёт олийгоҳи филиалининг очилиши, тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ўзимизда маҳаллий ишлаб чиқариш масалалари тўлиқ ўрганилиб, йўлга қўйишдан иборат бўлди. Ташриф чоғида куйидаги асосий топширик, мақсад ва вазифаларга эътибор қаратилди.

Биринчидан, жорий йилнинг 26 октябрь куни Президентимиз тиббиёт ходимлари билан кенгайтирилган видеоселектор ўтказдилар. Унда ҳамширалар ишига катта эъти-

бўйича, албатта, халқаро мезонларга асосланган таълим дастурлари кўриб чиқилди ва хорижий давлатлар каби ҳамшираларни тор йўналишларда тайёрлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, "Тиббий таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлашни трансформация қилиш тўғрисида"ги Президентимизнинг қарори лойиҳаси тайёрланди.

Иккинчи яна бир муҳим масала, шифокор ва ҳамши-

лари” университети факультети Бухоро давлат тиббиёт институтида ташкил этилган эди. Айти кунда ушбу факультетда 550 нафар талаба тахсил олмакда. Бу борада ҳам ўзаро келишувга асосан, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, Бухоро давлат тиббиёт институтида тахсил олаётган ҳамшира ва бакалавр йўналишидаги талабалар ўқув дастурларининг 50 фоизи ихтиёрий равишда, шу билан бирга кол-



ўзига хос йўналишлари бўлиб, қонун ва қоидаларга амал қилган ҳолда иш олиб боради. Компания лойиҳани концепцияси, техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, қурилиш, жиҳозлаш, фойдаланишга топшириш ва эксплуатация қилиш жараёнларини тўлиқ бошқариш имкониятига эга. Ушбу компания билан ўзаро ҳамкорликдаги мақсадимиз замон талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган “Тиббиёт кластери”ни барпо этиш, шу билан бирга, унинг қошида тиббиёт олий таълим муассасасининг факультетини ташкил этишдан ҳам иборатдир. Энг муҳими, унда даволанадиган беморлар учун кенг имкониятлар яратилиши билан бирга, тиббиёт ходимларининг янги авлодлари халқаро тажрибалар асосида фаолият юритишлари керак. Бу каби “Тиббиёт кластерлари” Республикаимизнинг барча ҳудудларида барпо этилади. Шу билан бирга, энг аввало, ушбу ислохотларни амалга ошириш учун тиббиётни рақамлаштириш ва тиббий суғуртани босқичма-босқич амалга ошириш вазифалари ҳам белгилаб олинди.

уйғунлиги мавжуд экан. Таъкидлаш лозимки, ушбу йўналишда мамлакатимизда ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Президентимизнинг топшириқларига кўра, юртимиздаги тиббиёт тизимининг бирламчи бўғини бўйича Тошкент вилоятида 1500 ўринга мўлжалланган Нурафшон шаҳридаги кўп тармоқли “Тиббиёт кластери”ни барпо этиш вазифаси қўйилган эди. Айти пайтда Тошкент вилоятида 15 та шифохона тарқоқ ҳолда жойлашган. Ушбу шифо масканларини бир жойда, халқаро замонавий кўп тармоқли тиббиёт кластерига айлантириш учун Давлат хусусий шерикчилик асосида фаолият олиб бориш масаласи бўйича ўзаро келишувга асосан, Туркиянинг “Bureau Veritas” консалтинг компанияси ва “Dolsar” компанияси фаолияти билан танишиб, учрашув ўтказилди. Компаниянинг



ган уч йил ўқув таълимларини Туркиянинг “Соғлиқ билимлари” университетда клиник фанлар бўйича тахсил олиб, клиникаларда амалиёт ўташларига келишиб олинди. Бунинг баробарида ёзги амалиётларини ҳам Туркиянинг 40 дан ортиқ йирик клиникаларида олиб борадилар. Шунингдек, юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юрғларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ушбу университетда 6 ойдан 1 ўқув йили давомида бепул малака ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Учинчи масала тиббиётнинг бирламчи бўғинидаги фаолиятлар билан танишилди. Уларда ушбу тизимнинг бошқа тиббиёт йўналишлари билан



бор қаратиб, халқаро тажрибалар асосида Республика шотинч тез тиббий ёрдами илмий маркази қошида “Ҳамширалар академиясини” ташкил қилиш тоширигини берган эдилар. Бу

раларни тайёрлашда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини татбиқ этиш ва уни амалиётда қўллашга қаратилди. Бундан 4 йил аввал, Туркиянинг “Соғлиқ билим-

Албатта, ташриф давомида мақсадли вазифалар ўзаро ҳамкорлик келишувларига асосан, белгилаб олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Инояттов бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф чоғида кўплаб тиббиёт марказлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Ибодат СОАТОВА, журналист.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ОНКОГЕМАТОЛОГИК, ОНКОЛОГИК, БИРЛАМЧИ ИММУНОДЕФИЦИТ ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН ҲАМДА ҚОН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни тиббий-жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида гематологик, онкогематологик скрининг дастурларини жорий қилиш, ушбу касалликларга чалинган беморларга қўшимча қулайликлар ва шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарорига мувофиқ:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилганлиги;

илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти йўлга қўйилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан онкология ёрдами такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджетидан 2022 йилдан бошлаб 125 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармонига мувофиқ Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказининг Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори тиббиёт муассасаси учун ажратилган бюджет маблағларининг умумий ҳажмига нисбатан 10 фоиз этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида (кейинги ўринларда — марказлар) даволанаётган ҳар бир беморнинг касаллик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни даволаш режаси бўйича ҳар бир марказ учун алоҳида «йўл харита»ларини;

туман (шаҳар)лар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ҳамда вилоят кўп тармоқли болалар марказларида оммавий скрининг усулида онкогематологик, онкологик ва бирламчи иммунодефицит ҳамда қон тизими касалликларини эрта аниқлаш бўйича мақсадли текширувлар ўтказиш тартиби, мезонлари ва беморларни соҳа мутахассисларига йўналтириш тартибини тасдиқласин;

б) бир ой муддатда марказлар мутахассисларининг илмий ва амалий салоҳиятини инobatга олган ҳолда уларнинг илғор хорижий тиббиёт муассасаларига малака оширишга юборилишини ташкил этсин;

в) икки ой муддатда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда:

илғор хорижий давлатлар тажрибаси, хусусан Германия стандартлари асосида ҳар икки йилда гематология, онкогематология йўналишларида ташхислаш ва даволаш стандартларини ҳамда клиник баённомаларини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари учун онкогематологик ва гематологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича мақсадли саволномаларни тасдиқласин;

онкогематологик ва гематологик касалликларни эрта аниқлаш учун мақсадли саволномаларни татбиқ қилиш мақсадида малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлар ташкил қилсин ҳамда ҳудудларга ташриф буюрган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига етказсин;

г) 2023 йил 1 январга қадар:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани батафсил ўрганган ҳолда, республикада болалар онкогематологияси мутахассислиги бўйича алоҳида кадрларни тайёрлаш (қайта тайёрлаш) амалиётини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

АҚШ, Беларусь, Германия, Жанубий Корея, Туркия ва Россия каби давлатларнинг нуфузли клиника ва марказлари мутахассисларининг узоқ муддатга илмий изланишларга, даволаш ва таълим бериш учун марказларга жалб этилишини таъминласин;

д) 2023 йилдан бошлаб тиббиёт техникум ва коллежларида таҳсил олаётган битирувчи курс талабалари орасидан иқтидорли ва салоҳиятли, онкогематология йўналишида фаолиятини давом эттиришга иштиёқи бўлган талабаларни саралаб олиш ва амалиёт ўташга жалб этиш тизимини жорий этсин, марказларда тиббиёт техникум ва коллежларининг клиник базасини ташкил этишга шарт-шароитлар яратсин.

4. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

онкологик ва онкогематологик касалликларнинг сабаб ва оқибатлари ҳамда уларни эрта аниқлаш масалалари, скрининг тадбирларининг долзарблиги тўғрисидаги маълумотларни аҳолининг барча қатламларига содда ва халқчил тилда, шу жумладан видеороликлар кўринишида оммавий ахборот воситалари орқали доимий равишда етказиш чоралари кўрилишини;

ҳар ойда бир марта гематология ҳамда онкология йўналишидаги тиббиёт ходимлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали онкогематологик касалликлар сабаб ва оқибатлари ҳамда уларни даволаш бўйича яратилаётган имкониятлар тўғрисида аҳолига муружаат қилиш тизими жорий қилинишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг лейкоз, миелома, лимфома, апластик ва туғма гемолитик анемия касалликларига чалинган беморларда аутологик ўзак хужайралари трансплантацияси амалиётини ўтказиш учун мўлжалланган асептик шароитга эга қўшимча иккита беш қаватли биноларни (кейинги ўринларда — объект) марказлар ҳудудида қуриш ҳамда тугалланмаган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини яқунлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Объект қурилиши ҳамда тугалланмаган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги ПҚ-4592-сон қарори билан ташкил этилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

Бунда, объект бўйича бош лойиҳа ташкилоти ва бош пудрат ташкилоти буюртмачи томонидан махсус ахборот порталида танлов ўтказиш тўғрисида эълон жойлаштирган ҳолда, қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибига асосан белгилансин.

Объектни жиҳозлаш ишлари амалдаги жиҳозлаш меъёрлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланган жиҳозларнинг техник параметрларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

6. Қурилиш вазирлиги объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик фаолиятида

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

7. Марказларда даволанаётган беморларнинг яқинлари учун 200 ўринли ҳостел учун ер майдони ажратиш ҳамда уни қуриш ишларини 2023 йил 1 апрелгача яқунлаб фойдаланишга топшириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокими раҳбарлигида махсус штаб ташкил этилсин.

Қуйидагилар махсус штабнинг вазифалари этиб белгилансин:

ҳостел қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур ер майдонини ажратиш, қурилаётган ҳудудда бузиладиган, бошқа жойга кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган бинолар юзасидан аҳолининг қонуний талаблари бажарилишини таъминлаш;

бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа-олди ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган тартибда сифатли тайёрланишини таъминлаш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;

ҳостел қурилиш ишлари юзасидан тизимли техник назорат амалга оширилишини таъминлаш, қурилиш жараёнида камчиликлар ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш юзасидан чораларни кўриш;

ҳостел белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини назорат қилиш.

Белгилансинки, ҳостел қурилиши ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказлар ва ҳудудлардаги болалар онкогематологияси бўлимларини қўшимча замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари қотибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2022 йил 15 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**ОНКОГЕМАТОЛОГИК, ОНКОЛОГИК, БИРЛАМЧИ
ИММУНОДЕФИЦИТ ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН ҲАМДА
ҚОН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил 15 ноябрдаги 657-сон қарорига илова

**Вазирлар Маҳкамасининг «Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга
чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, уларга асбоб-ускуналар,

дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда».

2. Илованинг 5-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган бемор-

ларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олиш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори тех-

нологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилиш;».

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.11.2022 й., 09/22/657/1018-сон)

ФАН ЮТУҚЛАРИ

Яна бир ўта ноёб ва мураккаб гибрид жарроҳлик амалиёти туфайли ҳаёти хавф остида турган беморнинг умри узайтирилди.

60 ёшдан ошган Н.Б. юрак хасталиги билан РШТЎИМнинг Наманган филиали жонлантириш бўлимига ётқизилган эди. Олиб борилган тиббий хизматга қарамай унинг аҳволи ёмонлаша бошлади. Вазият таранглашаётганлиги туфайли даволоччи шифокор Музаффар Мўминов талаби билан бемор кўшимча юқори технологик тиббий текширувлардан ўтказилди. Юрак чап қоринчасига хос етишмовчилик аниқланди. Юрак олд деворларининг ёрилиши кузатилди. Ўткир миокард инфарктнинг бошланиши таъсирида ривожланган қоринчалараро нуқсон белгиси эди бу. Натижа хавотирли бўлиб, қутилмаганда ўлим ҳолати юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Шу боис, зудлик билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали мутахассисларига мурожаат қилинди. Филиалнинг рентген эндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири Акмалжон Жалилов дарҳол ёрдамга етиб келди. Ҳолат жуда ҳам таҳликали бўлиб, шошилиш чоралар қўришни тақозо этарди. Маслаҳатлашувлар якунида оғир дардни бошидан ўтказатган беморни кардиология шифохонасига кўчиришга ва

тезда жарроҳлик амалиётини ўтказишга қарор қилинди. Касалликнинг мураккаблиги инobatга олиниб, яъни бу турдаги жарроҳлик амалиёти илк бора ўтказилаётганлиги учун Тошкентдан малакали кардиожарроҳлар ҳам чақирилди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази На-

манган филиалида бир гуруҳ тажрибали кардиожарроҳлар ишга киришишди. Республика юрак туғма ва орттирилган нуқсонларини интервенцион усулда даволаш бўйича етакчи мутахассиси Музаффар Жўралиев ва ёрдамчиси Ҳасан Олимовлар кўрсатмаси асосида наманганлик кардиожарроҳлар Акмалжон Жалилов, Аброр Абдуллаев, Ғофуржон Эгамовлар икки босқичли мураккаб жарроҳлик амалиётини олиб боришди.

– Юракнинг олд оралик чўкки деворида ўткир миокард инфаркти ривожланган эди. Ёпик усулда кечган ама-

**НАМАНГАНЛИК КАРДИОЖАРРОҲЛАРНИНГ
КАТТА ЮТУҒИ**

лиёт чоғида дастлаб юрак тож томирларининг коронаграфияси чоғида зарарланган томир аниқланди, йирик томир шохчасида экан. Шунинг учун баллонли ангиопластика операцияси бажарилди. Қон томир деворидаги тромбли тўсик бартараф қилинди. Қон оқими тикланди, – дейди **рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири Акмалжон Жалилов**. – Иккинчи амалиёт бундан ҳам нозик ва мураккаб эди. Транскатетер – қоринчалараро нуқсонга қарши оклюдер инплантацияси олиб борилди.

Тажрибали шифокорларнинг биргаликдаги сидқидил саяй-ҳаракатлари натижасида

амалиёт муваффақиятли якунланди. Ҳозир бемор интенсив даволаниш жараёнида.

– Шуниси эътиборга моликки, ҳозирга қадар бу усулдаги жарроҳлик амалиёти мамлакатимизда тўрт марта ўтказилган эди. Бешинчиси эса Наманганда муваффақиятли бажарилди. Бу - мутахассисларимизнинг илмий салоҳияти, касбий маҳорати то-

бора ошиб бораётганидан далолатдир, – дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов.

Мана бу далиллар ҳам янгиликнинг моҳияти нақадар муҳимлигини тасдиқлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юқоридаги ташхис қўйилган беморларнинг 18 фоизи шифохонага етиб боргунча, 55 фоизи эса касаллик бошланганидан олти соатдан сўнг оламдан кўз юмади.

Дарҳақиқат, Наманган кардиожарроҳлари тарихий амалиётга қўл урдилар. Бу яратилаётган қулай имкониятлар, жаҳон тиббиёти ютуқларини, хорижий тажрибаларни қўллаш сари дадил интилишлар самарасидир. Соҳани ривожлантириш борасидаги изчил изланишлар эса давом этмоқда.

Абдулла ҒОЗИЕВ.

ТИББИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ



Инсон ҳаётининг умр мазмуни – бу оила ва жамиятда ўз ўрнини топиб, бахтли яшашдир. Шундай экан, оилада муносиб ота-она бўлиб, жамиятда эса ўз касбининг фидойиси сифатида меҳнат қилиб эл назарига тушган инсонлар орамизда кўпчиликни ташкил этади. Зеро, дунёда касблар хилма-хилдир.

Хар бир касбнинг ўз ўрни бўлганлиги каби тиббиёт тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимлари меҳнатига эътибор қаратсангиз, унинг машаққатли, маъсулиятли ва шарафли эканлигини чин юракдан ҳис қилиб, улар хизматига тан бермай иложимиз йўқ. Эътирофлиси шундаки, бугун юртимиз тиббиёт муассасаларида 80 мингдан ортиқ шифокорлар, 350 мингдан ортиқ ҳамширалар халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар орасида тиббиёт даргаларимиздан бўлган академик, тиббиёт фанлари доктори, профессор, тиббиёт фанлари номзодлари ва бир қанча даражадаги соҳа вакилларининг борлиги бу тизимнинг фахридир. Юқоридаги фикрларимизни бежизга пурмаъно сўзлар билан бошламадик. Ана шундай, эътирофга сазовор бўлган, бутун умрини тиббиётга бахшида этган, ҳозирда ҳам тизимда фаолият олиб бораётган, Ўзбекистонда пульмонология фанига асос солган ва бу борада илмий мактабини ҳамда пульмонология хизматини ташкил этган атоқли олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ўзбекистон фанлар академик Абдулла Убайдуллаевдир. Бугунги мақоламиз академик Абдулла Убайдуллаевнинг ҳаёт ва фаолият йўлига бағишланади.

Абдулла Убайдуллаев 1934 йилда Тошкент шаҳарида таваллуд топган. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида кўп йиллар давомида клиник ординатор, аспирант, ассистент, доцент, декан, проректор вазифаларида фаолият кўрсатган. Абдулла Убайдуллаев 1986-2010 йиллар давомида академик Ш. Алимов номидаги Ўзбекистон Республикаси фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти директори лавозимида жуда самарали хизмат қилди. Ярим асрдан кўпроқ вақт тиббиётимиз равнақи йўлида ўз билими, иқтидорли ва фидокорона меҳнатларини сарфлаган таниқли олим, устоз ҳукуматимизнинг кўплаб юксак мукофотларига сазовор

УМР МАЗМУНИНИНГ ИБРАТЛИ ЙЎЛЛАРИ

бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор” унвонини олди. 2004 йилда Ўзбекистондаги энг билимдон мутахассис сифатида эътироф этилди ва “Йилнинг энг яхши шифокори” мукофоти соҳиби бўлди. 2007 йилда академик Абдулла Убайдуллаев “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош пульмонолог, Ўзбекистон Республикаси Фтизиатрлар ва пульмонологлар илмий жамиятининг раиси вазифаларида фаолият олиб борди. Абдулла Убайдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фтизиатрия ва пульмонология соҳасида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш Кенгазининг раиси ҳамда Марказий Осиё пульмонологлари ассоциацияси “Вестник” журнали бош муҳаррири лавозимида ҳам меҳнат қилди. Шунингдек, Абдулла Убайдуллаев Жаҳон силга қарши ва ўпканинг бошқа касалликлари жамияти аъзоси (Париж), Европа Респиратор касалликлари жамиятининг фаол аъзоси (Париж), Россия тиббиёт фанлари академиясининг фахрий доктори, Марказий Осиё Пульмонологлар ассоциацияси Президенти (Тошкент), Евроосиё пульмонологлар ассоциацияси Президенти каби нуфузли мақомга сазовор бўлиб келди. (Москва).

Албатта, мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг ушбу мисралари орқали: “Инсон хизматлари туфайли халққа бирор фойда келтирар экан, бу билан ўзига ҳам кўпроқ наф етказди, шу улғу хизматлари учун эл-юртнинг

эзгу дуоларга сазовор бўлади”, - деганини англаш кийин эмас. Аслида ўзбек миллати кўп машхур ўғлонларни дунёга келтирган. Ана шундай инсонлардан бири Абдулла Мухаррамович фан оламида обрў қозонган, қолаверса, камтарин, юмшоқ феълли, самимий, ҳалол ва фидойи инсон. Ҳамиша беморларга ҳайрихоҳ бўлиб, уларнинг тақдирига жонқуярлик қилади. Бугунги кунда республикамизнинг деярли барча шаҳар ва туманлари, ҳатто олис кишлоқларида ҳам Абдулла Убайдуллаевни меҳр билан тилга оладиган беморлар кўп. Негаки, бу академик олим одамларнинг нафақат соғлигига, балки келажакига ҳам таҳдид соладиган ҳар хил бронх-ўпка касаллигини даволаб келди, дарднинг олдини олиш чораларини кўрди, аҳолининг бу касаллик муносабатини ўрганди, сўнг сил касаллигининг бедаво эмаслигини барча-барчага батафсил тушинтирди. Йиллар ўтиб, замонлар алмашди. Жамики хасталиклар сингари сил касаллигини даволашда ҳам жажон андозаларига мос келадиган усуллар ишлаб чиқилди, беморлар учун замонавий диспансер ва сиҳатгоҳлар бунёд этилди, мутахассислар сафи кенгайди. Ҳозирга қадар академик Абдулла Убайдуллаев яратган мактаб тажрибалри аҳоли ўртасида сил касалликларини даволашда асосий аҳамият касб этади. Абдулла Убайдуллаев 1958 йил Тошкент Давлат тиббиёт институти тамомлаб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида меҳнат фаолиятини бошлади. Бир неча йиллик илмий изланишларда терапия бўйича клиник ордина-

тура, кейинчалик аспирантурани тугатгач, 1965 йилда фан номзоди бўлди. Кейинчалик Москвада А. Мясников номидаги Кардиология институтида докторант сифатида таҳсил кўрди ва 1974 йилда докторлик илмий ишини муваффақиятли ёқлади. Абдулла Убайдуллаев 1975-1986 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида терапия факультети декани, кейинчалик даволаш ишлари бўйича проректор лавозимида хизмат қилди. 1978 йилда шу институт қошида собиқ иттифокда илк бор биринчилардан бўлиб клиник пульмонология кафедрасини ташкил этди ва ўзи шу кафедрага раҳбар этиб тайинланди. 1979 йилда

олимга профессорлик илмий унвони берилди. Абдулла Убайдуллаев пульмонология кафедрасини замонавий ташқи нафас аъзоларини функционал ҳолатини текширувчи Германиянинг Э. Егер фирмасида тайёрланган ноёб аппаратлар билан жиҳозлади. Кафедрада 35 йил давомида 6 000 мингдан ортиқ шифокорлар собиқ иттифокнинг ҳамма республикаларидан ва Ўзбекистоннинг вилоят ва туманларидан келган шифокорларнинг пульмонология ва клиник аллергология соҳасида малакаларини оширишга ёрдам берди. Абдулла Убайдуллаев 1986 йилда Сил касалликлари илмий текшириш институтига директор қилиб тайинланди. Академик Ш. Алимов бошлаб берган илмий ва амалий ишлар кўламини кенгайтди. Ўзбекистонда бу олим раҳбарлигида Марказий Осиёда ягона бўлган пульмонология хизмати ташкил этилди. Республика иқтидорли ёш фтизиатрлар ва пульмонологлар тайёрланди. Институт пульмонология малакаларини бўйича илмий ва амалий координацион марказ бўлиб қолди. Профессор Абдулла Убайдуллаев ташаббуси билан академик Ш. Алимов номидаги Сил касалликлари илмий текшириш институти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтига айлантилди. Институт клиникасида 60 ўринлик пульмонология бўлимини ташкил қилди ва Германиянинг Э. Егер фирмасида тайёрланган собиқ иттифокда биринчи бўлиб замонавий функционал диагностика аппаратлари (спирограф, пнев-

москоп, бронхоскрин, эускрин, мастерлаб, полисомнограф) ва физиотерапевтик аппаратлари билан жиҳозланди, Ленинград шаҳрида тайёрланган бронхиал астмани даволашда галатерапия хонасини ҳамда даволаш гимнастик залларини тайёрлаб, беморларни дори-дармонсиз даволаш ишларини йўлга қўйди. Иқтидорли ва салоҳиятли олим Абдулла Мухаррамович етакчилигида носпецифик ўпка касалликларининг эпидемиологияси, функционал диагностикаси, фармакотерапияси ва клиник аллергологиянинг генетик механизми ҳамда биоритмология ташкилий тизими, бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касалликларини даволашда патогенетик терапия, шунингдек, меҳнат қобилиятини тиклашнинг илмий асослари бўйича йирик ишлар амалга оширилди. Нафас аъзолари касалликларини тўла-тўқис даволашнинг янги ва дори-дармонсиз усулларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилди. Булардан ташқари, бронхиал астма ва сурункали ўпка обструктив касаллигининг этиогенетикаси, чунончи ирсий жиҳатларини аниқлаш бўйича ҳам олим томонидан илмий ишлар олиб борилди. Профессор Абдулла Мухаррамовичнинг соҳа ривожидидаги жонқуярлиги туфайли, Ўзбекистонда экологик гериатрик пульмонология йўналиши ташкил топди ҳамда сил касалликларини олиб боришда Ўзбекистонда контингентлар орасида янги диспансер гуруҳларини ташкил этиш, “Оилавий сил” ўчоқларини ҳар томонлама ўрганиш, ўпка касалликларига қўшилиб келадиган ёндош хасталиклар, айниқса, беморда қандли диабет мавжуд бўлганда янгида даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича катта ишларни бажарди. Абдулла Убайдуллаев 700 дан ортиқ илмий ишлар (150 дан ортиқ Европа ва бошқа мамлакатларда), 15 та монография, қўлланмалар, 10 та ихтиро, 40 та услубий қўлланмалар муаллифи. Шогирдларига ғамхўр устоз раҳбарлигида 25 та докторлик ва 39 та номзодлик илмий ишлари ҳимоя қилинган. Олимнинг кўп шогирдлари бугунги кунда жонқуяр ватанимиз Ўзбекистонда ва Марказий Осиё республикаларида хизмат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги таниқли пульмонолог ва фтизиатрлар бўлиб етишганлар. Ҳозирги кунда устознинг қўлланмалари умумий амалиёт врачлари, пульмонологлар, фтизиатр ва студентлар орасида айниқса, “Нафас органлари касалликлари” (2004-2009 йил), “Пульмонология в Узбекистане: истоки и этапы развития” (2009 йил) ва «Сил касаллиги» (2009 йил) дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Академик Абдулла Убайдуллаев дунёнинг 40 дан

ТИББИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

◀ Давоми. Боши 4-бетда

ортиқ йирик мамлакатлари – буюк Британия, Шотландия, Ирландия, Германия, Франция, Руминия, Австрия, Венгрия, Голландия, Италия, Испания, АҚШ, Швейцария, Швеция, Туркия, Ҳиндистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Украина, Россия ва бошқа собиқ иттифок шаҳарларидаги анжуманларда иштирок этиб, Ўзбекистонда тиббиёт илми юксак поғонага кўтарилаётганини жаҳон халқларига баён этди. Шунини айтиб ўтиш керакки, Абдулла Убайдуллаевга ўзи иштирок этган, айниқса, маъруза қилган конгрессларда 100 дан ортиқ сифтикатлар олган. Ҳатто олтин гранд ютиб, Германия, Финляндия, Туркияда бўлган симпозиумларда фаол қатнашган. Шулардан 1983 йилнинг январь ойида Франция пульмонологлари таклифига биноан Париждаги Лаэннек номидаги госпиталда “Бронхиал астманинг ирсий аспекти” мавзусида Совет-Француз симпози-

чикди. Ана шундай конгресслар туфайли, дунёда кўплаб буюк олимларни учратди ва танишиш шарафига муяссар бўлди. Шу сабабли, у Европа респиратор касалликлари жамияти (Париж), Жаҳон силга қарши ва ўпканинг бошқа касалликлари жамиятига (Париж) қабул қилинди. 1986 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида профессор Абдулла Убайдуллаев таклифига биноан ўзбек-француз симпозиуми – “Бронхиал астма ва ирсият” га бағишланган анжуман ташкил қилинди. 9 та кўзга кўринган француз пульмоно-

руза қилди. Бу симпозиум бутун дунё олимлари билан биргаликда жуда кўп ватандошларимиз қатнашди. Кейинги йилларда немис олими профессор Р. Декерсман, француз пульмонологлари А. Хирш (Париж шаҳри бош пульмонологи) ва М. Зельцер (Европа респиратор касалликлари жамияти президенти) билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида функционал диагностика, тамаки чекиш ва унинг асоратлари устида анжуманлар ўтказилди. Абдулла убайдуллаев 1988, 1996, 2000, ва 2010 йилларда Тошкентда Ўзбекистон фтизи-

5-7 май кунлари Тошкент шаҳрида Евроосиё респиратор жамияти IV конгресси ва V Марказий Осиё пульмонологларининг халқаро конгресси ўтказилишининг ҳам ташкилий асосчиси бўлди. Конгрессга Ўзбекистон, Россия, Украина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистондан 1000 дан ортиқ олимлар, шифокорлар ташриф буюрдилар. Россиядан академик А. Чучалин (Евроосиё респиратор жамияти президенти) ўзининг шогирдлари билан Қозоғистондан профессор А. Байгенжин раҳбарлигида, Қирғизистондан

ларда пульмонолог врачларни тайёрлаш, пульмонологик марказлар ва хоналарни ташкил этишда ҳам фаол бўлди. Абдулла Убайдуллаевнинг раҳбарлигида 1988 йилдан бошлаб, сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини текшириш бўйича чекка кишлоқлар, Орол бўйи худуди аҳолиси ўртасида кенг кўламли эпидемиологик ишлар бажарилди. Шунингдек, Ўзбекистонда силга чалинган беморларни DOTS ва DOTS plus стратегияси бўйича даволаш мақсадида миллий референс-лаборатория ва бўлимлар ташкил этилди. Олим раҳбарлигида туберкулёз ва пульмонологияга оид кўплаб дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш ҳақида”ги Қонун, “Ўзбекистонда сил билан касалланишини профилактика қилиш ва камайтириш бўйича” Давлат дастури, “Экспериментал ҳудудларда силни аниқлаш ва даволаш бўйича дастур”лари

УМР МАЗМУНИНИНГ ИБРАТЛИ ЙЎЛЛАРИ



умда ўз маърузаси билан қатнашди. Симпозиумни франциялик машҳур пульмонолог профессор П. Садуль ва Ленинграддаги Пульмонология институти директори, академик Н. Путов ташкил қилди. Шунини айтиш керакки, ҳамма олимлар (10 киши) Ленинград ва Москва шаҳридан эди. Фақат Марказий Осиё республикаларидан профессор Абдулла Убайдуллаев қатнашди. Профессор Париж ва Нанси шаҳарларида “Бронхиал астма ривожланишида қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг моҳияти ва ирсият муаммолари” мавзусида маъруза қилди. Профессор Абдулла Убайдуллаевга маърузадан кейин шу соҳа юзасидан жуда кўп саволлар берилди. Профессор халқаро форумда биринчи бор минбарга чиқиши эди. У Европа, шу қатори франциялик етакчи пульмонолог, генетиклар билан танишиб, ўшандан бошлаб халқаро форумлар ишида фаол иштирок эта бошлади, дунёнинг кўпгина мамлакатларини ўзининг маърузалари билан кезиб

логлари П. Садуль бошчилигида академик В. Воҳидов номли Хирургия илмий марказида анжуман олий даражада ўтди. Бу симпозиумда ленинградлик олимлар профессор Н. Путов ва Г. Федосеев ва Ўзбекистондан академик В. Воҳидов, профессорлар С. Баҳромов, А. Оқилов, К. Йўлдошев, А. Калонхўжаев, Н. Бобахўжаев, О. Баходиров, К. Казаков ва бошқа кўп олимлар қатнашдилар. Анжуманда терапевтлар, педиатрлар, генетиклар ва умумий амалиёт врачлари иштирок этдилар. (1986 йил. “Бронхиал астма ва ирсиятга” бағишланган анжуман.) Хулоса қилиб айтганда, бронхиал астма касаллиги ривожланишида ирсиятнинг роли катта эканлиги ва Ўзбекистонда учрайдиган яқин қариндошлар билан куда бўлиш бронхиал астма кўпайишига олиб келиши тасдиқланди. 1990 йилда АҚШда Висконсин штатида Мэдисон университетида экологияга бағишланган анжуманда Абдулла Убайдуллаев Ўзбекистонда пахтакорларда учрайдиган бронх-ўпка касалликлари хусусида маъ-

атрлари ва пульмонологларининг III-VII съездларини ташкил этди. Бу анжуманларда Россия ва деярли ҳамма ҳамдўстлик мамлакатларидан, шунингдек, Европа давлатлари вакиллари қатнашдилар. Бундан ташқари, олим “Повышение эффективности биохимических методов исследований в диагностическом процессе у больных туберкулезом легких” (Тошкент, 1988) мавзусида Бутуниттифок ишчи йиғилиши, “Иммунодефициты при туберкулезе, ХНЗЛи других заболеваниях легких” (Тошкент, 1991) мавзусида Бутуниттифок симпозиуми, “Туберкулез человека и животных” (Самарқанд, 1992) халқаро илмий конференция, Марказий Осиё пульмонологлари ва алергологлари I конгресси, “Организация и совершенствование пульмонологической службы в республиках Центральной Азии” (Тошкент 1997) халқаро йиғилиши, Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтининг 60 йиллиги ва 70 йиллигига бағишланган иккита юбилей-конференция, 2008 йил

профессор Н. Бримкулов ва Украина, Грузия, Германия, Финляндиядан 150 дан ортиқ олимлар, шифокор-пульмонологлар, терапевтлар қатнашдилар. Конгрессда академик Абдулла Убайдуллаев Марказий Осиё пульмонологлари ассоциацияси президенти, Евроосиё пульмонологлари ассоциациясига Электпрезидент этиб сайланди. Кўшма конгресс пойтахтимизда кўтаринки руҳда ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош пульмонологи Абдулла Мухаррамович ва фтизиатрия хизмати ташкил этишни такомиллаштириш бўйича хамиша фаол иш олиб борди, вилоятларда ва шаҳар-

амалда қўлланилмоқда. Хуллас, республикада аҳолиси ўртасида сил касалликларининг камайиши ва халқимизнинг бу борада тиббий саводхонлигининг ошишида профессор Абдулла Убайдуллаев ҳамда унинг шогирдлари бажараётган улкан ишлар ҳар қанча мақтовларга лойиқ. Эл ичида ардоқли ва ўз соҳасининг фидойиларини қулоч етмайидиган улкан дарахтга қиёслаш мумкин. Бу дарахт шундайки, маҳобати билан ҳайрат уйғотади, доимо навқирон бўлиб, кўзларни қувонтиради, янада муҳимроғи – унинг она заминга чуқур кириб борган илдизлари умрларга ҳам қувват бериб, ҳаётбахш жўшқинлик бахш этади.

Академик Абдулла Убайдуллаев шундай таъриф тавсифларга муносиб. У гўё она замин узра чуқур илдиз отган, салобати ва шон-шавкати олис мамлакатларга ҳам етган, ёш ниҳоллар каби шогирдалрига ҳаётбахш жўшқинлик бағишланган бақувват дарахт каби улкан, зеро, салобатли олимнинг тиббиётдаги улуг хизматлар и, фидойилик ва илм машаққатлари билан кечган фаолияти ҳамда ҳаёти келгуси авлодлар учун ибрат мактабидир.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯСИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Сирдарё вилоятида бошланган соғломлаштириш акциясининг навбатдаги босқичи доирасида бир қатор мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилмоқда. Пойтахтдан келган тажрибали мутахассислар ва маҳаллий шифокорлар иштирокида бажарилган юқори технологик операциялар натижасида шифо топган фуқаролар сўзига қулоқ тутдик.

даволашни кенг жорий этиш, уларни киска вақт ичида тўлиқ соғломлаштириб, ногиронликдан чиқариш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, 2021 йилда юрак нуқсонларини даволаш учун мўлжалланган 500 та окклюдер харид қилиш учун 10 млрд сўм маблағ йўналтириш белгиланган. 2022 йилдан бошлаб эса эҳтиёждан келиб чиқиб ҳар йили ўртача 2500 та окклюдер харид қилиниши қайд этилган эди.



лос бўлдим. Пулимни невараларимнинг яхши кунларига ишлатаман.

**“БУЙРАГИМ
НИМА, ЖИГАРИМ
УЧУН ЖОНИМНИ
ҲАМ БЕРИШГА
ТАЙЁРМАН”**

Асилбек САЙИТҚУЛОВ — 27 ёшда. У ўз сингисига бир буйрагини беришга қарор қилди. Жигарининг оғир дардига малҳам бўлиш имкони бўла туриб унинг қийналиб юришига кўз юмиш мумкин эмасди. “Буйрагим нима, жигарим учун жонимни ҳам беришга тайёрман”, дейди Асилбек. Буйрак трансплантацияси каби мураккаб операцияларнинг мамлакатимиз жаррохлари томонидан муваффақиятли ўзлаштирилгани ҳам уларнинг мушқулини осон қилди...

Ҳамида САЙИТҚУЛОВА, Сирдарё тумани:

— Ёшлигимдан соғлом бўлиб ўсганман. Ҳомилдорлик давримда 6 ойлик фарзандим қорнимда нобуд бўлди. Бундан каттиқ изтироб чекдим. Шундан сўнг буйрагимда ҳам муаммолар пайдо бўла бошлади. Охири буйрак етишмовчилиги ташхиси билан шифохонага мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Акам оғир кунимда ҳам доимо мадад беришти. Саломатлигимга ғамхўрлик қилаётган ҳамма яхши одамларга раҳмат.

қилган эдим. Дўхтирлар стент қўйиш керак, дейишганда ҳайрон бўлиб қолдим. Биз иш билан бўлиб юраверган эканмиз, юракни ишдан чиқариб қўйишимизга оз қолибди. Пенсиядан тўплаган пулларим бор эди. Ана шу маблағни операцияга ишлатмоқчи эдим. Бехисоб шукр, дардимдан ха-

У ўз сингисига бир буйрагини беришга қарор қилди. Жигарининг оғир дардига малҳам бўлиш имкони бўла туриб унинг қийналиб юришига кўз юмиш мумкин эмасди.

Ўз дардига даво топаётган бундай тақдирлар кўплаб топилади. Барчасининг тилида уларнинг саломатлигига бефарқ бўлмаган мамлакатдан, малакали шифокорлардан шукрона, миннатдорлик сўзлари...

Ғулумжон ПРИМОВ.

ЮРАК НУҚСОНИ БОР 4 ЁШЛИ ГЎДАК, СИНГЛИСИГА БУЙРАГИНИ БЕРГАН АКА, ОПЕРАЦИЯСИГА ПУЛ ТЎПЛАБ ЮРГАН ПЕНСИОНЕР...

**“ИНФАРКТДАН
КЕЙИНГИ БИР
ЙИЛЛИК АЗОБДАН
ХАЛОС БЎЛДИМ...”**

**Бахриддин МЎМИНОВ,
Мирзаобод тумани:**

— Бир йил аввал инфаркт бўлгандим. Ҳар 4 ойда муолажа олиб туришга мажбур эдим. Юрагимдаги нуқсон сабаб чап қўлимни кўтара олмай қолдим, шунинг учун бирор жойда ишлай олмасдим. 58 йил яшаб, бундай оғир аҳволга тушиб қоламан, деб ўйламаган эдим. Шифокорлар



стент қўйиш керак, дейишди. Кўп жойларга бордик, операция нархларини суриштирдик. Бунга молиявий имониятим йўқ эди. Лекин улар бу операция давлат ҳисобидан ўтказилишини айтишганида елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. 4 ёшли боланинг юрагига окклюдер мосламаси қўйилди

Рушана ҲАЛИЛОВА, Гулистон тумани:

— Ўғлим Ҳамидулло 2 ёшга кирганида унда туғма юрак нуқсони борлигини билиб қолдик. Икки йилдан бери фарзанимни даволатиш учун елиб-югурамиз. Қўлимиз калталиқ қилганида давлатимиз бизга ёрдам қўлини чўзди. 4 ёшли Ҳамидулло мураккаб операцияни бошдан ўтказди, унинг юрагига окклюдер мосламаси қўйилди. Маълумот учун, 2021 йил 4 октябрь куни



имзоланган “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жаррохлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида болаларда туғма юрак нуқсонларини эндоваскуляр йўл билан

**“ОПЕРАЦИЯГА ТЎПЛАБ
ЮРГАН ПЕНСИЯМНИ
НЕВАРАЛАРИМНИНГ
ЯХШИ КУНЛАРИГА
ИШЛАТАМАН...”**

**Тўхтамиш ҲАМРОЕВ,
Сайхунобод тумани:**

— Шифохонага юрагим безовта қилгани учун мурожаат

• ТАДҚИҚОТ •

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ РИВОЖЛАНИШИНИ СЕКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Канада олимлари қандли диабет касаллигининг II тури ривожланишини секинлаштириш ва олдини олиш йўлини топди. Бунинг учун тегишли кўрсатмага мувофиқ, D витамини қабул қилиш зарур.

Тадқиқотда иштирок этган одатдаги мезърдан кўпроқ до-кўнгиллилар олти ой давомида

бул қилди. Якунда ушбу муолажа қандли диабет ривожланишига мойиллиги бўлган ва оз муддат аввал ушбу касалликка чалинган беморларда яхши самара бериши аниқланди. Аммо кўп йиллардан бери хасталиқдан азият чекиб ке-

лаётганлар саломатлигида D витамини натижасида сезиларли ўзгариш кузатилмади. Олимлар фикрича, бундай беморларда метаболлик функциянинг яхшиланишини қийин кечиши табиий. Ижобий кўрсаткичга эришиш учун янада

кўпроқ вақт талаб этилиши мумкин. Шунингдек, қандли диабет билан оғриган ва унга мойиллиги бўлганлар махсус овқатланиш рационига қатъий амал қилиб, жисмоний фаол турмуш тарзига одатланишлари зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

САЛОМАТЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК

Саломатлик ва хотиржамлик. Инсон учун бу икки неъматнинг қадри бениҳоя улуғ. Айниқса, тани соғлом, руҳи тетик одамгина ҳаётнинг гўзаллиги ва қувончлари татийди.

Шу маънода бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муштаҳкамлаш, тиббиёт соҳасини халққа янада яқинлаштириш, бирламчи тиббиёт тизимида кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, жорий йил давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган очик мулоқоти мазкур йўналишдаги ишларни том маънода янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудларда ўтказилаётган соғломлаштириш акциялари, юртимизнинг олис гўшаларида яшовчи беморлар хузурига малакали шифокорлар, етакчи тиббиёт олимларининг ўзлари кириб бораётгани сифатли тиббий хизматни “маҳаллагача тушириш”, уни одамларга янада яқинлаштиришга хизмат қилаётгир. Хабарингиз бор, бундан бир муддат аввал Тошкент вилоятида му-

ва 8 та туманидан юзлаб аҳоли вакиллари йиғилди. Муаммоли масалалар билан келган мурожаатчиларни вазирлик масъуллари қабул қилди. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари ва шифокорлари ҳамда маҳаллий мутахассислардан иборат махсус гуруҳ хаста фуқаролар мурожаатларини ўрганиб, уларга зарур кўрсатмалар берди. Мураккаб жарроҳлик амалиётлари талаб этиладиган, бироқ даволанишга имкони йўқ беморларга имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди.

янада зўрайиб, Матлуба опани қийин аҳволга солиб қўйди. Бунинг устига даволанишга имкони йўқлиги сабабли эндопротезлаш амалиёти ортга сурилиб келаётган эди.

Оммавий қабул доирасида унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари билан учрашуви саломатлиги билан боғлиқ барча муаммолари ҳал бўлишига йўл очди. Фуқаро



тасадди идоралар, 20 га яқин даволаш ва реабилитация марказлари ҳамда ҳудуддаги туман тиббиёт бирлашмалари мутахассислари иштирокида мазкур йирик тадбирнинг навбатдаги босқичига старт берилган эди.

Ушбу эзгу ташаббуснинг бу галги манзили Сирдарё вилояти бўлди. Эрта тонгдан Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси биносига вилоятнинг 3 та шаҳар

ГУЛИСТОНЛИК БЕМОР 10 ЙИЛЛИК ОҒИР ДАРДДАН ХАЛОС БЎЛАДИ

Гулистон шаҳар Тараққиёт маҳалласида яшовчи Матлуба Аҳмедова 10 йилдан бери коксартроз хасталигидан азият чекади. Саломатлигига ўз вақтида эътибор бермаслиги оқибатида касаллик иккинчи оёғига ҳам ўтган. Сўнгги пайтларда оғир дард

имтиёзли асосда мамлакатимизнинг малакали мутахассислари томонидан бепул операция қилинадиган бўлди.

41 ЁШЛИ БЕМОРДА БЕПУЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бемор Идигул Бахиева Сирдарё шаҳридан. 41 ёшли ушбу аёл 2 фарзанднинг ёлғиз боқувчиси. Иккинчи гуруҳ ногирони. Идигул опага бир неча йил аввал туғма сон-суяги чиқиши, суяк емирилиши касаллиги ташхиси қўйилган. Бемор даволаниш учун мураккаб эндопротезлаш амалиётига муҳтож. Аммо керакли муолажаларни олиш учун оиланинг моддий имконияти чекланган.

Сайёр қабул давомида ушбу беморнинг муаммоси ҳам ижобий ҳал этилди. У шу куни пойтахтдан келган малакали

шифокорлар томонидан яна бир бор тиббий кўрикдан ўтказилиб, давлат ҳисобидан бепул операция қилинадиган бўлди.

– Бемор

одамнинг кўнглига ҳеч нима сиғмайди, – дейди

И. Бахиева.

Бундай пайтда кишига ҳеч бир хурсандчилик тағимаскан.

Бироқ, биз каби

беморларга давлатимиз томонидан ғамхўрлик кўрсатилаётгани, юртимизнинг малакали шифокорлари вилоятимизга келиб, холимиздан хабар олаётгани соғайишимизга қайта ишонч бағишламоқда.

Шифокорларнинг айтишича, операциядан сўнг мени қийнаётган оғир дарддан буткул халос бўларканман.

“ОХИРГИ ПАЙТ СОҒАЙИШДАН БУТКУЛ УМИДИМНИ УЗГАНДИМ”

Гулистон шаҳри Ниҳол маҳалласида яшовчи Сайфиддин ота Мавлонов ҳам шаҳар

кўп тармоқли марказий поликлиникаси биносида бўлиб ўтган сайёр қабулга нажот ис-таб келган беморлардан. У бир неча йилдан буён юрак хасталиги азобини тартади. Охири пайтларда эса беморнинг юрак соҳасида қаттиқ санчиқлар пайдо бўлиб, қон босими тез-тез кўтариладиган бўлди. Шу кунгача тиббиёт муассасаларида олган муолажалари эса қутилган натижа бергани йўқ. Аксинча касаллик янада зўрайиб, сўнгги тиббий текширувлар унда стентлаш амалиёти ўтказиш лозимлигини кўрсатди.

– Яқинда инсульт бўлиб, 15 кун шифохонанинг реанимация бўлимида даволандим, – дейди ота-хон.

– Очиги, соғайишдан буткул умидимни узгандим.

Шукр, шифокорларнинг меҳри туфайли яна ҳаётга қайтдим. Бироқ бутунлай соғайишим учун юрагимда жарроҳлик амалиёти ўтказиш керак экан. Аммо моддий имкониятимиз йўқлиги боис шу кунгача амалиёт учун маблағ топа олмадик. Бу орада Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан биз каби эҳтиёжманд беморларда бепул операциялар амалга ошириладиганидан хабар топдик. Шу боис бугунги сайёр қабулга келдим. Шукр, мушқулим осон ҳал бўлди. Яқин кунларда давлат ҳисобидан имтиёзли асосда бепул операция қилинарканман. Бунинг учун давлатимиздан беҳад миннатдорман.

Бу – Сирдарё вилоятида ўтган сайёр қабулда ўз дардига даво топишини эшитиб, мамнун бўлган юртдошларимиз тақдирдан айрим лавҳалар.

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати

• ЭМЛАШ •

БОЛАЛАРНИ ЭМЛАШДА ҚАНДАЙ ҚОЙДАЛАР МАВЖУД?

Қон ва сийдик таҳлилисиз болаларни эмлашга рухсат этилмайди. Болалар невропатологи хулосаси шарт бўлади. Аллерголог кўриги ҳам керак!

– Эмлашдан кейин ҳар эҳти- молга қарши парацетамол шам- часи бўлиши керак.

– Вакцина олдидан турли хил ёғли овқат бермаслик керак.

– Вакцинадан икки кун олдин антигистамин препаратлар бе- риш аллергияни олдини олади.

– Болаларни эмлаш оғриқли бўлади деб ҳеч қачон кўрқитманг.

– Болани энг яхши кўрган ўй- инчоғини ёки бирор янги ўй- инчокни сотиб олиб эмлашдан кейин тинчланиши учун беринг.

t.me/malhamssb

КОНФЕРЕНЦИЯ

ПЕДИАТРИЯДА НУР ДИАГНОСТИКАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Жорий йилнинг 19 ноябрь куни пойтахтимизда “Педиатрияда нур диагностикасининг долзарб масалалари” мавзуси халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Мазкур конференция офлайн ва онлайн тарзда ўтказилиб, унда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистондан тиббий радиология, педиатрия соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улуғбек Собиров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида ургу бериб, фарзандларимиз саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар хусусида тўхта-

трия ва тиббий радиологияда фаолият юритаётган мутахассислар орасида тажриба алмашишдан иборат бўлди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим омилларидан бири, ташхислаш хизматини такомиллаштиришдир. Сўнгги йилларда тиббий радиологиянинг шид-

ва МРТ усуллари технологияларининг такомиллаштирилиши ва янгиликларининг киритилиши бундан далolatдир. Шу билан бирга, болалар радиологиясининг мутахассислари - клиник ординатура (резидентура), магистратура ва интернатурада ёш шифокорларни тайёрлаш кўрсаткичлари ошмоқда. Анжуманда, тиббий визуализация юқори технологик усуллари киритиш, педиатрик даволаш ва тиббий-профилактика муассасалари, клиника ва марказларини замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, болаларга тиббий радиологик ёрдам сифатини ошириш, камчиликларини баратараф этиш, шу ўринда Республикада болалар тиббий радиологиясининг асосий тенденциялари, истиқболи ва уларга эришиши йўллари йўлаб чиқиш каби муаммолар ечимини топишга эътибор қратилди. Болалар касалликларида нур ташхисоти ўзининг махсус услубий хусусиятлари эгадир. Чунки болаларда патология ва уларнинг кечиши турлича бўлади. Шунинг учун, болалар тиббий радиологияси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ихтисос-



туторининг солиштирма оғирлиги ўртача 70 фоизни ташкил этади. Нодавлат тиббий ёрдам хизматлари секторлари ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Кўплаб, йирик хусусий клиникалар замонавий радиологик МРТ, МСКТ, 3D, 4D - сонография, ПЭТ каби технологиялар билан таъминланганлиги аҳоли учун кенг имкониятларни яратди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Гулнора Юсупалиева. — Шу билан бир қаторда, тиббий муассасаларининг материал

ича жами 349 та мутахассис, магистратурада 95 та, клиник ординатура (резидентура) да 219 та ва 35 та интернатурада мутахассислар тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган радиологик ёрдам 3 467 мингдан ортқ тиббий радиологлар томонидан кўрсатилаётгани, шундан 146 нафари рентгенолог, 69 нафари радиотерапия, 53 нафари ядро тиббиёти, 1098 нафари рентгенолог, 112 нафари компьютер томографияси, 52 нафари магнит-резонанс томографияси, 1 937 нафари ультратовуш диагностикаси шифокорлари бўлсада, бир вақт-



либ ўтди. Шунингдек, анжуман мавзусига ҳам эътибор қаратиб, унинг долзарб масалалари юзасидан ўз фикрини билдириб ўтди. Сўнгра тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, ультратовуш ташхисоти кафедраси профессори Акром Фозилов ҳам сўзга чиқиб, мавзу доирасида тўхталди. Анжуман кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Гулнора Юсупалиева, Қозоғистонлик профессор, Бахит Абишев, Россиялик профессор Анжелика Гуревич, Санкт-Петербург шаҳридан Ирина Румянцева, Россиялик тиббиёт фанлари номзоди, доцент Наталия Шолохова ва бир қанча соҳанинг етуқ мутахассислари маъруза қилишди. Куннинг иккинчи ярмида ёш олимлар секцияси иш олиб борди. **Мазкур кенг доирада ўтказилган нуфузли конференция иштирокчилари билан суҳбатда бўлдик.**

Бугунги конференциямиздан асосий мақсад, болалар касалликларининг хусусиятлари ва болаларда нур ташхисотининг ўзига хослиги, бу соҳада йиғилган замонавий билимлар, педи-

датли ривожланиши кузатилаётганда, эндиликда одам организмининг деярли барча аъзоларини ва тўқималарини текшириш мумкинлиги, хатто молекуляр даражадаги нур диагностикаси клиник тиббиётда янги имкониятларни очди. Кўп ҳолларда, айнан нур ташхисоти ва ютуқлари туфайли, республиканинг етакчи клиникаларида, стационарга келиб тушиш давридан бошлаб, ташхис қўйиш вақти камайтирилган. Юқорида, айнан жиддий оқибатларга олиб келувчи шошилинч ҳолатлар назарда тутиляпти. Ўзбекистонда, ҳозирги вақтда тиббий визуализациянинг замонавий технологиялари қўлланилмоқда, булар қаторига кўп кесимли компьютер томографияси (МСКТ), бир фотонли ва позитрон эмиссион томография, магнит резонанс томография (МРТ), рақамли рентгенография, ангиография, мультипараметрик эхография ва бошқалар киради. Диагностик радиология катта эътибор қаратилаётган муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу болалар радиологиясидир, педиатрия марказ ва клиникаларнинг юқори технологик жиҳозлар билан таъминланганлиги, болалар касалликлари ташхислашда рентгенологик, ультратовуш, КТ

лаштириш долзарб муаммага айланиб бормоқда.

Дунёдаги йирик тиббиёт марказлари статистик маълумотларига кўра, айнан нур ташхисоти усуллари туфайли, беморнинг бирламчи муружаатида, нотўғри ташхислар сони 4 фоиздан камроқ кўрсаткични ташкил этган, жиддий касалликларнинг салбий оқибатлари сони охириги 20 йилликда 8 фоиздан 1,5 фоизгача камайган. **Турли усулларнинг, диагностика имкониятларини ҳақиқий баҳоланиши учта омилдан иборат:** информативлиги, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва зарар келтирадиган таъсирининг даражаси. Бугунги кунда Республикамиз соғлиқни сақлаш муассасаларида 1 853 дона рентген аппаратлари, шу жумладан рақамли аппаратлар, 1 847 дона ультратовуш диагностика аппаратлари, 241 дона компьютер томографлар, 8 дона бир фотонли эмиссион томографлар, 3 та позитрон эмиссион томографлар, 309 дона рақамли флюорографлар, чизикли тезлатгичлар ва бошқа радиологик ускуналар фаолият кўрсатмоқда. Охириги 10 йилликда ускуналарнинг умумий сони 10 фоизга ортди. Республикада стационар аппара-

техник базасининг мустаҳкамланиши, тиббий визуализациянинг юқори технологик усуллари киритилиши, юқори малакали, технологиялар имкониятларидан тўлиқ ва рационал фойдалана оладиган, амалиётга ташхислашнинг замонавий алгоритмларини кирита оладиган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳам турибди. Бугунги кунда, магистратура, клиник ординатура (резидентура), интернатура мутахассислиги ва малака ошириш курсларида радиологлар тайёрланмоқда. Охириги 10 йилликда республика бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларида, магистратура йўналиши бўйича 200 нафар ва клиник ординатура (резидентура) йўналишида 734 нафар мутахассис шу билан бирга, Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистратура йўналишида 108 та ва клиник ординатура (резидентура) йўналишида 207 та, 35 нафар интернатурада мутахассислар тайёрланган. Шу жумладан, сўнгги 3 йил давомида Республикада тиббий радиология бўй-

нинг ўзида 467 та мутахассис вақансияси мавжуд. Мавжуд кадрлар етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, тиббий радиология магистратура, клиник ординатура (резидентура) ва интернатура йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилиши кераклигини талаб этади. Болалар радиологияси бўйича тиббий радиолог кадрларни тайёрлаш тизимини қайта қўриб чиқиш, шу жумладан барча ҳудудларда мутахассисларни мажбурий ўқув курсларига жалб қилиш, билим ва кўникмаларни мустақил экспертизадан ўтказиш, муайян тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун сертификат ва лицензия бериш, олинган амалий кўникмаларни сифатли ва миқдорий назорат қилиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича объектив эҳтиёжи туғилган. Бунинг ҳаммаси ўрта тиббий персонал даражасига ҳам тегишли, чунки кўп ҳолларда унинг малакавий кўникмалари барча хизматларнинг самарадорлигини белгилайди, — дейди Гулнора Юсупалиева.

Анжуман якунида қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

НОВОСТЬ

ОТКРЫТИЕ ФИЛИАЛА БИБЛИОТЕКИ – НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ

Открытие библиотеки-филиала ГНМБ МЗ РУз №14 в г.Ташкенте при
Службе Здравоохранения ВСС АО «Узбекистон Темир Йўллари»

1 ноября 2022 г. состоялось открытие библиотеки-филиала №14 Государственной научной медицинской библиотеки Министерства здравоохранения Республики Узбекистан на базе Клинической железнодорожной больницы в г. Ташкенте.



Государственная научная медицинская библиотека Министерства здравоохранения Республики Узбекистан предоставляет доступ пользователям, как к внешним зарубежным базам данных, так и внутренним ресурсам из электронной базы данных. Сегодня специалисты ГНМБ МЗ РУз сочетают основную гуманитарную подготовку с цифровой грамотностью, ориентируются в различных Медиа, владеют различными навыками, стратегиями и технологиями для оперативного обслуживания своих пользователей. Цифровая реальность – это обязательное условие профессионализма современного библиотекаря ГНМБ МЗ РУз, который в процессе своей работы выступает в

роли цифрового куратора, в обязанности, которого входит консультирование по вопросам применения информационно-коммуникативных технологий и развитию цифровой грамотности среди пользователей.

Электронные технологии позволяют осуществлять комплексный подход к решению информационных задач, в результате чего пользователь может получить нужную информацию.

Кроме того, ГНМБ МЗРУз предоставляет следующий спектр услуг:

✓ поиск нужного издания в печатном и электронном формате;

✓ поиск статьи на запрашиваемом языке,

✓ библиографический по-

иск, как из собственной базы данных, так и других зарубежных баз данных;

✓ осуществляет патентный поиск;

✓ проставляет УДК;

✓ делает мониторинг лекарственных средств из медицинских периодических изданий, издаваемых в Республике Узбекистан;

✓ формирует электронную базу периодических изданий и т.д.

На сегодняшний день Виртуальная библиотека ГНМБ МЗ РУз насчитывает около 50 тыс. электронных ресурсов, обслуживает в день около 2.5 тысячи пользователей, около 1,5 тыс. запросов в день. Электронная доставка документов составляет 80% удов-

летворения запросов наших пользователей.

ГНМБ МЗ РУз является Центром документации Всемирной организации здраво-

охранения. В фондах ГНМБ имеются документы ВОЗ как на традиционных (бумажных) носителях информации, так и в электронном формате.

На сайте библиотеки: <http://uzmedlib.uz> и на аккаунте в Инстаграмме [uzmedlibuzinstagram](https://www.instagram.com/uzmedlibuzinstagram) регулярно освещается обзор новых поступлений с полным описанием изданий. На Телеграмм канале библиотеки <https://t.me/uzmedlibuz>, по запросу пользователей выставляются тематические списки литературы, что способствует улучшению имиджа библиотеки в глазах наших пользователей, и позиционирует себя современным учреждением с высококвалифицированными кадрами, идущими в ногу со временем.

Лола ЭРГАШЕВА,
зам директора Государственной научной медицинской библиотеки Министерства здравоохранения Республики Узбекистан
<https://uzmedlib.uz>, <https://nvs-railway.uz/oz>

МИННАТДОРЛИК

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА!!!

Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайлик, у ерда аввало, беморлар учун қолаверса, тиббиёт ходимлари учун яратилган кенг имкониятларни кўриб, юртимиз тиббиёти янада юксалиб бораётганлигидан мамнун бўламиз.

Айтишим жоизки, инсон саломатлиги учун эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Давлатимиз раҳбаридан мингданминг розимиз. "Иссиқ жоннинг иситмаси бор" деганларидек келиним тўсатдан бетобланиб қолди. Худудимиздаги шифокорларга мурожаат қилганимизда, улар тиббий кўриқдан ўтказгач, келинимни онколог-шифокор қабулига маслаҳат учун юборишди. Биз Республика онколо-

гия ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали шифокорларига учрашдик. Барча текширувлар ўтказилгач, келинимда саратон касаллиги борлиги аниқланди. Мазкур шифо масканининг тажрибали шифокору ҳамширалари даво муолажаларини бошлаб юборишди. Келинимнинг саломатлиги яхшиланиб, оиламиз бағрига қайтди. Лекин бу касаллик бўйича муолажаларни давом этти-

риш ва уларнинг доимий назоратида бўлиш маслаҳати берилди. Мана икки йилдирки, тиббиёт муассасасининг малакали шифокорлари келинимнинг саломатлигини назорат қилиб, режа асосида нур терапиясини ўтказиб боришмоқда. Ўз касбининг мохир устаси, юқори малакага эга бўлган онколог-шифокор ва даволовчи врачимиз Дилбар Алмуродова келинимни биргина дори-дармон эмас, балки ўзининг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги билан дарддан фориғ этиб келмоқда.

Ҳар бир бемор, шифохонага борганда аввало, қабул бўлимига биринчи бўлиб мурожаат қилади. Келиним билан бирга-

ликда ушбу бўлимга борганимизда ўз касбига садоқат билан 25 йилдан бўён ишлаб келаётган ширинсўз ва самимий ҳамшира Нигора Алиходжаева бизни хушмуомалалик билан кутиб олган эди. Нигорахон ҳозир ҳам барча беморларни ана шундай илиқлик билан қарши олади.

Келинимни янада дарддан халос этишда нур терапия бўлимида фаолият олиб бораётган ёш, иқтидорли ва касбига иштиёқ билан меҳр қўйган Лобар Жуманиёзовнинг астойдил меҳнатларини ҳам мамнунлик билан тилга олса арзийди. Ўз касбининг билимдони келинимга нур терапия ўтказиш жа-

раёнида ўз билим ва тажрибасини қўллаган ҳолда ўз вази-фасини хушёрлик билан бажаради. Унинг ёнида туриб, беморлар дардига малҳам бўлаётган меҳрибон ва чаккон ҳамшира Садоқат Худойбердиева ҳам даволанувчилар дуосига мушарраф бўлмоқда.

Юқорида номларини тилга олган меҳнатлари таҳсинга лойик, азиз шифокору ҳамшираларга оиламиз номидан чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз. Халқимиз бахтига ана шундай қалби пок шифокорлар доимо омон бўлишсин!

Ўғул Шерали қизи,
Тошкент шаҳри.

ТАДБИР

ЭЗГУЛИКЛАРДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда қандли диабет касаллиги тобора яшариб бормоқда. Ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 7 фоизи ушбу дарддан азият чекапти. Улардан жуда катта қисми хасталикнинг 2-турига чалинган.

тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва меҳр-саховат ғояларини қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими томонидан Навоий вилояти Нурота туманининг олис “Янгитурмуш” маҳалласида “Папанай” оилавий шифокорлик пункти моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида октябрь ойида хайрия акцияси ташкил этилиб, акция доирасида оилавий шифокорлик пунктига 2 та кроват,



“Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурида инсон саломатлигини яхшилаш ва тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида

худудлар ҳисобланади. Ва у ерларда Қишлоқ врачлар пункти ва оилавий шифокорлик пункти фаолият кўрсатиб келмоқда. 2017 йилда “Папанай” кишлоқ врачлик пункти ёпилган эди. Шу



этибор қаратилган.

Навоий вилояти ўзининг географик ва иқлим хусусиятлари билан бошқа худудлардан фарқ қилади. Вилоятимизда олис чўл худудлар борки у ерларда тиббий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиш машаққат талаб этади, десак муболаға бўлмайди. Нурота туманида кишлоқлар тарқок, аксарияти сувсиз жойларда жойлашган, олис

йил, Папанай ва Жилонтамғали кишлоқлари аҳолиси таклифларини инobatта олиниб, оилавий шифокорлик пункти қайта очилди. Ушбу муассасада 21 нафар тиббиёт ходими 2 213 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу кишлоқлар вилоят марказидан 120 км узоқликда жойлашган.

“Инсон кадри учун” деган эзгу ғоя асосида халқимизга

2 та кушетка, 2 та шкаф, 10 та стул, 2 та картотека бегараз топширилди. Оилавий шифокорлик пунктининг очилиш маросимида “Маҳалла” фонди вилоят бўлими томонидан “Папанай” оилавий шифокорлик пунктига 2 та компьютер жамланмаси, битта принтер, бир донна совутгич, бир донна музлатгич ва бошқа маиший техника воситалари ҳам топширилган эди. Ай-

тишим муҳимки, ушбу хайрилик жамияти яқиндан ёришни амалга оширишда Навоий кон металлургия комбинати Ак-

Эзгулик бу инсонлар қалбига меҳр улашиш, кези келганда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, муаммо бўлиб турган масалаларига ечим топишдан иборатдин. Шундай экан, жамоат фондимиз билан қўлимиздан келгунча халқимиз ва жамиятимиз равнақи учун хизмат қилишга тайёрмиз.

Фахриддин СОЛИЕВ.
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди
Навоий вилоятбўлими бошқаруви раиси.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Маълумотларга кўра, жаҳонда йилига ҳар ўн чақалоқдан бири муддатидан аввал туғилади. Шунингдек, 20 миллион нафардан ортиқ гўдак кам вазн билан дунёга келади. Энг ёмони, бу кўрсаткич йилдан йилга ортмоқда ва мазкур омил 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг асосий сабаби бўлиб қоляпти.

тури бола тана ҳароратини бир меъёрда ушлаб туришда жуда муҳим. Бунда гўдак она ёки отасининг кўкрагига қўйилади. Катталарнинг барқарор тана ҳарорати янги туғилган чақалоқнинг тана ҳароратини назорат қилишга ёрдам беради. Қолаверса, “кенгуру” усулида бола яхши ухлайди. Шу боис унинг энергияси тана функцияларини яхшилашга йўнал-



Бир сўз билан айтганда, боланинг териси ота-онасининг танаси билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши ўртада физиологик ва психологик яқинликни таъминлайди. Айни сабабдан янги кўрсатмада бу усулни чақалоқ туғилиши билан дарҳол қўллаш зарурлиги тавсия этилган. Шунингдек, ҳужжатда ота-оналар ва янги дунёга келган чақалоқларнинг бирга бўлишини таъминлаш учун интенсив неонатал ёрдам кўрсатиш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Ўз навбатида, бундай гўдакларни доимий равишда она сути билан парваришлар зарур. Бу чақалоқларнинг яшаб кетиш имкониятини янада оширади.

Эслатиб ўтамиз, юртимизда муддатидан аввал туғилган ва кам вазнли болаларни парваришlashда “кенгуру” усулидан фойдаланилоқда.

@ssvuz

ЧАҚАЛОҚЛАР ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТАВСИЯЛАР

Шундан келиб чиқиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти муддатидан аввал ва кам вазн билан туғилган чақалоқлар ҳаётини сақлаб қолиш ҳамда парваришlash бўйича янги тавсияларни эълон қилди. Қайд этилишича, бундай гўдаклар организмда етарли микдорда ёғ захиралари мавжуд бўлмайди. Оқибатда улар-

нинг танасида иссиқлик регуляцияси қийин кечади ва бола яхши нафас ололмайди. Илгари бу каби ҳолатларда чақалоқлар инкубатор ёки махсус иситкичларда уч кундан етти кунгача сақланган. Энди эса замонавий тиббиёт бундан ҳам самарали усулларни тақдим этмоқда. Улардан бири “кенгуру” деб аталади. Мазкур парвариш

тирилади. Натижада чақалоқ тезроқ вазн йиғади. Инфекциялар ва шамоллашдан ҳимояланади. Қолаверса, кам вазнли гўдакларнинг нафас олиш тизимидаги муаммоларни бартираф этиш, юрак уришини меъёрга келтириш, иммун тизимини мустаҳкамлашда ҳам бу усул яхши самара беради.

АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

МАҚСАД: ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШДИР

Бугунги кунда республикаимиз тиббиёт муассасаларининг қайси бирида бўлмайлик, у ерда даволанувчилар ва тиббиёт ходимлари учун яратилган кенг имкониятларни кўриб мамнун бўламиз.



Айниқса, шифо ма-
Асканларининг ташқи ва ички кўринишлари замонавий тус олиб, энг сўнгги русумдаги аппаратура-лар билан жиҳозланаётганлиги бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг соҳа тизими ва халқимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигидир. Таъкидлаш муҳимки, юртимиз тиббиёти кун сайин янада ривожланиб янги босқичлар сари муҳим қадамлар ташламоқда.

Олдинлари ноёб операциялар учун халқимиз қийналиб хорижий давлатларга мурожаат қилишар эди... Эндиликда эса, бир сўз билан айтганда, аҳолимиз сифатли тиббий хизматлардан рози бўлишмоқда. Бунинг баробарида, беморларда мураккаб операция амалиётлари фақат мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида малакали тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилаётганлиги ҳам Ўзбекистон тиббиётининг катта муваффақиятларидан биридир десак, муболаға бўлмайди. Жумладан Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам бундай мураккаб операция амалиётлари малакали мутахассислар томонидан ўтказиб келинмоқда. Албатта, фаолиятларнинг самардорлиги ва шифо масканларидаги кенг имкониятларнинг тўғри йўлга қўйилишида раҳбариятнинг интеллектуал салоҳияти, ташаббускорлиги, қаттиққўллиги



ва ишбилармонлиги алоҳида ўринга эгадир. Шундай экан, ишларни тўғри йўлга қўйиш ва жамоада соғлом муҳитни яратишда марказнинг бош шифокори Бахтиёр Қосимовнинг замон талаблари асосида фаолият олиб бораётганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Қуни кеча марказда илк бор Республика ихтисослаштирилган Травматология-ортопедия ил-

мий-амалий тиббиёт марказининг травматолог-ортопед шифокор Акром Хакимов бошчилигида марказимизнинг травматолог-ортопед шифокори Азизжон Мансуровлар ҳамкорлигида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар А. Темур кўчасида истиқомат қилувчи 56 ёшли Савле Тасановага “Икки томонлама диспластик коксартроз IV даража, иккала сон суяги бошчаси асептик некрози” ташхиси билан “Чап чанок-сон бўғимига тотал Мерил эндопротезини қўйиш” операцияси муваққиятли ўтказилди. Операция ва эндопротез маблағлари Давлат тиббиёт сугуртаси томонидан тўлаб берилди. Ас-

Аслида бемор Савле Тасанова бу касаллик билан 18 йил давомида даво муолажалари олган бўлсада, минг афсуски, у иккала бўксасида оғриқ ва ҳаракат чекланиши билан қийналиб келган. Бемор операциядан сўнг оғриқлардан халос бўлди

лида бемор Савле Тасанова бу касаллик билан 18 йил давомида даво муолажалари олган бўлсада, минг афсуски, у иккала бўксасида оғриқ ва ҳаракат чекланиши билан қийналиб келган. Бемор операциядан сўнг оғриқлардан халос бўлди ва бўғимдаги ҳаракатлар яхшиланиб, эркин юра бошлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Халқимиз биздан рози бўлиши керак” деган иборалари бугунга келиб ўз ифодасини топаётганлиги албатта, қувонарли ҳолдир. Чунки инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб келаётганлиги жамиятимиз равнақининг янада юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

Намоз ТОЛИПОВ.

ЗДОРОВЬЕ

ЕДА ПРОТИВ КУРЕНИЯ

Специалисты рассказали, какая еда поможет снизить потребление сигарет и даже отказаться от курения вовсе. Как отмечают медики, в организм заядлых курильщиков никотиновая кислота поступает в рекордных объемах. Так формируется зависимость, которая помимо дискомфорта (плохой запах, трата немалых денег) связана с серьезными рисками для здоровья – от развития сердечно-сосудистых до онкологии.



Тем, кто решил завязать с вредной привычкой, рекомендуется обратить внимание на ряд овощей и фруктов. Чемпионами по содержанию никотина (того самого, что требует организм курильщика) среди овощей является семейство пасленовых. И пер-

фруктами врачи не советуют, но если вы бросаете курить, то можно позволить себе такие экзотические плоды как манго и ананас. Они в этом деле лучшие помощники.

Результатом антитабачной диеты станет не только отказ от сигарет, но и насы-



вое место— за красными помидорами. Поэтому в период отказа от сигарет рекомендуется налегать на салаты и закуски на основе томатов.

“В нем содержится до 42,8 нг/г никотиновой кислоты. Меньше ее в перце, картофеле и баклажанах, но эти овощи также являются эффективными заменителями сигарет”, - отмечают специалисты.

Увлекаться сладкими

щение организма необходимыми нутриентами, подчеркивают медики.

Опасные канцерогены из сигарет разносятся с током крови по всему организму и воздействуют на все органы и ткани, ранее предупредил главный внештатный специалист-онколог Минздрава, генеральный директор НМИЦ радиологии Минздрава РФ, Андрей Каприн.

“Мало кто знает, что курение поражает не только легкие, но и другие органы человека”, - отметил специалист.

Оксана ГРИБАНОВА.

МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

НОТЎҒРИ ТАНЛАНГАН ПОЙАБЗАЛЛАР ҚАТОР КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН

Пойабзал — шунчаки зийнат эмас! У — аввало кундалик эҳтиёжимиз учун зарур восита. Оёқларимизни ташқи хавф-хатарлардан ҳимояловчи қалқон.



Бироқ пойабзал харид қилишда кўпчилик ана шу жиҳатларга етарлича эътибор қаратмайди. Оқибатда жимжимадор ва жозибатор оёқ кийим ишқибозлари орасида травматологик ва ортопедик касалликлар авж олиши кузатиляпти. Пойабзал танлаш – нозик ва ўта масъулиятли жараён. Чунки оёқлар танамизнинг энг муҳим аъзоларидан. Уларнинг ҳаддан зиёд зўриқиши, жароҳатланиши, лат ёйиши ва деформацияси турли оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Янада аниқроқ айтсак, инсон оёқлари мурак-

каб анатомик тузилишга эга. Унинг бир панжаси 26 та суяк ва кўплаб бўғимлардан таркиб топган. Нотўғри танланган пойабзал ана шу суяк ва бўғимлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, бора-бора уларнинг деформацияланишига олиб келади. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ер юзиде яшовчи катта ёшли аҳолининг 80 фоизгача қисми оёқлар саломатлиги билан боғлиқ турли муаммолардан азият чекиб келади. Бу юқорида саналган омил билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Пошнасиз, яъни текис тагликли оёқ кийимлардан узок вақт фойдала-

